



БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҚЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМ САМАРАДОРЛИГИГА ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТНИНГ ТАЪСИРИ

Аминов Анвархон

Тошкент архитектура-қурилиш университети

ORCID: 0009-0004-3232-0700

anvarkhon@inbox.ru

Аннотация. Ушбу мақолада болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш соҳасида экспорт ва импорт жараёнларининг ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигига таъсири атрофлича таҳлил қилинган. Тадқиқот жараёнида PESTLE таҳлил усули қўлланилиб, ташқи муҳит омилларининг таъсир даражаси баҳоланган. Шунингдек, ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигини аниқлаш учун интеграл индекс модели таклиф этилган. Олинган натижаларга кўра, иқтисодий ва технологик омиллар энг катта таъсирга эга экани, ижтимоий ва экологик йўналишлар эса стратегик ривожланиш учун муҳим аҳамият касб этиши аниқланган. Мақола якунида соҳада самарадорликни ошириш ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: болалар ўйинчоқлари саноати, ташкилий-иқтисодий механизм, экспорт, импорт, PESTLE таҳлил, интеграл индекс, рақобатбардошлик, барқарор ривожланиш.

ВЛИЯНИЕ ЭКСПОРТА И ИМПОРТА НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИОННО- ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЕХАНИЗМА В ПРОИЗВОДСТВЕ ДЕТСКИХ ИГРУШЕК

Аминов Анвархон

Ташкентский архитектурно-строительный университет

Аннотация. В данной статье подробно проанализировано влияние экспортных и импортных процессов на эффективность организационно-экономического механизма в производстве детских игрушек. В ходе исследования применялся метод PESTLE-анализа, с помощью которого была оценена степень воздействия факторов внешней среды. Кроме того, для определения эффективности организационно-экономического механизма предложена модель интегрального индекса. Полученные результаты показали, что наибольшее воздействие оказывают экономические и технологические факторы, в то время как социальные и экологические факторы имеют важное значение для стратегического развития. В заключении статьи представлены практические предложения, направленные на повышение эффективности в данной отрасли и обеспечение конкурентоспособности отечественных производителей на международном рынке.

Ключевые слова: индустрия детских игрушек, организационно-экономический механизм, экспорт, импорт, PESTLE-анализ, интегральный индекс, конкурентоспособность, устойчивое развитие.

THE IMPACT OF EXPORT AND IMPORT ON THE EFFECTIVENESS OF THE ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISM IN CHILDREN'S TOY MANUFACTURING

Aminov Anvarkhon

Tashkent University of Architecture and Civil Engineering

Abstract. *This article provides a comprehensive analysis of the impact of export and import processes on the effectiveness of the organizational and economic mechanism in children's toy manufacturing. The study applies the PESTLE analysis method to assess the influence of external environment factors. In addition, an integrated index model is proposed to evaluate the efficiency of the organizational and economic mechanism. The results demonstrate that economic and technological factors have the greatest impact, while social and environmental aspects play a significant role in strategic development. The article concludes with practical recommendations aimed at enhancing efficiency in the sector and ensuring the competitiveness of domestic producers in the international market.*

Keywords: *children's toy industry, organizational and economic mechanism, export, import, PESTLE analysis, integrated index, competitiveness, sustainable development.*

Кириш.

Жаҳон бозорида болалар ўйинчоқлари саноати энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бунинг асосий сабаблари – аҳоли сонининг ўсиши, болалар улушининг юқорилиги, таълимий ва ривожлантирувчи ўйинчоқларга талабнинг ортиши ҳамда электрон тижорат каналларининг кенгайишидир. Cognitive Market Research маълумотларига кўра, 2024 йилда жаҳон болалар ўйинчоқлари бозори ҳажми 60,2 млрд АҚШ долларини ташкил этган ва 2031 йилга қадар 3,5% ўртача йиллик ўсиш суръати (CAGR) билан ривожланиши кутилмоқда. Бозорнинг асосий улуши Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларига тўғри келади.

Дунё аҳолисининг демографик таркиби ҳам ушбу соҳанинг истиқболини белгилаб бермоқда. 2024 йилда 15 ёшгача бўлган болалар сони 2,02 млрд нафарни ташкил этди, бу жаҳон аҳолисининг қарийб 24,8%ига тенг. Шунингдек, 5 ёшгача бўлганлар сони 647,3 млн нафарни ташкил этиб, умумий аҳолининг 7,9%ини ташкил этди. Бундай юқори демографик улуш болалар маҳсулотлари ва айниқса ўйинчоқларга бўлган талабнинг узлуксиз ўсиб боришига олиб келмоқда.

Ўзбекистон бозорида ҳам болалар ўйинчоқларига талаб йил сайин ортиб бормоқда. Бироқ бу соҳадаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳали ҳам импорт маҳсулотлар билан кучли рақобатга дуч келмоқда. Давлат статистика қўмитаси ва Божхона қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатга асосан Хитой, Туркия ва Россиядан ўйинчоқлар импорт қилинади. Маҳаллий ишлаб чиқариш ҳали ҳам бозор эҳтиёжини тўлиқ қондиrolмаяпти. Масалан, 2023 йилда Ўзбекистонга киритилган болалар ўйинчоқлари импортининг ҳажми миллионлаб АҚШ долларини ташкил этган, экспорт эса жуда чекланган кўламда бўлган. Шу ўринда экспорт имкониятлари миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, валюта тушумларини ошириш ва халқаро бозорда маҳаллий брендлар мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ўйинчоқ саноатида экспорт ва импорт жараёнларининг ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигига таъсирини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ушбу мақоланинг асосий мақсади – болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш соҳасида экспорт ва импорт жараёнларининг ташкилий-иқтисодий механизмга таъсирини таҳлил қилиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи.

Ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигини ошириш масалалари ҳақида турли олимлар томонидан назарий ва амалий жиҳатдан кенг ўрганилган. Хусусан, К. Маркс, А. Смит, Д. Рикардо асарларида бозор муносабатлари, меҳнат тақсимоти ва савдо жараёнлари иқтисодий самарадорликнинг асосий драйверлари сифатида таъкидланган. Кейинчалик М. Портернинг рақобат афзалликлари назариясида ташқи иқтисодий алоқалар, жумладан экспорт ва импортнинг миллий ишлаб чиқаришга таъсири очиб берилган.

Хорижий тадқиқотчилардан Kotler (2017), Grant (2020), Porter (1998) асарларида глобал бозордаги рақобат муҳити, халқаро савдо жараёнлари ва кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий омилларга мослашуви кенг ёритилган. Kotler (2017) маркетинг стратегиялари доирасида импорт рақобати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни маркетинг ва дистрибуцияни қайта ташкил этишга мажбур қилиши ҳақида тадқиқотларни олиб борган. Porter (1990, 1998) ўз тадқиқотларида рақобат афзалликлари назариясида ташқи бозорлар (экспорт) ва импорт рақобатининг миллий ишлаб чиқаришга таъсирини чуқур ёритган. Улар тадқиқотларида PEST ва SWOT таҳлил усуллари орқали ташкилотларнинг ташқи муҳитга таъсирчанлиги баҳоланади.

Шу билан бирга, болалар ўйинчоқлари саноати бўйича махсус тадқиқотлар ҳам мавжуд. Grand View Research (2022) ва Cognitive Market Research (2024) маълумотларига кўра, жаҳон ўйинчоқ бозори ҳажми йил сайин ўсмоқда ва демографик омиллар унинг асосий ривожланиш драйвери ҳисобланади. Ушбу ҳисоботларда Хитойнинг дунёдаги етакчи ишлаб чиқарувчи сифатидаги роли, АҚШ ва Европа мамлакатларининг инновацияга йўналтирилган ишлаб чиқариш тажрибаси қайд этилган.

Ўзбекистонда эса тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектлари учун қулай шарт-шароит яратиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ҳамидов (2019) Ўзбекистонда кичик бизнес ва экспорт салоҳияти ҳақида тадқиқотларида экспорт имкониятлари миллий ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорларни очиши ва молиявий барқарорликка таъсирини таъкидлаган. Каримов (2021) импортнинг юқори улуши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рақобатбардошликни оширишга мажбур қилаётганини кўрсатган. Жўраев (2022) ташқи иқтисодий омиллар, жумладан импорт ва экспорт жараёнлари корхона бошқарувини қайта ташкил этиш зарурлигини ёритган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий таҳлилнинг қиёсий, иқтисодий-статистик ва тизимли ёндашув методлари қўлланилди. Тадқиқот жараёнида миллий ва халқаро статистик маълумотлар таҳлил қилинди, PESTLE таҳлил воситасида экспорт ва импорт омилларининг таъсир кучини баҳолаш амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш соҳасида ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигини баҳолаш жараёнида, бу тадқиқотда корхоналар фаолиятига таъсир этувчи ташқи омилларни комплекс таҳлил қилишни мақсад қилиб олинди.

Ташқи муҳит омиллари таъсирини PESTLE таҳлил асосида баҳолаш жараёни шундан далолат берадики, сиёсий омиллар ичида давлатнинг ташқи савдо сиёсати ва божхона қоидалари муҳим ўрин тутди. Импорт чекловлари ва экспортни қўллаб-қувватлаш чоралари маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни лицензиялаш, сертификатлаш ва ҳуқуқий тизимни кучайтиришга йўналтиради. Бу эса уларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш билан бирга, ички бозорда ҳам ҳуқуқий асосда фаолият юритишини таъминлайди.

Иқтисодий омиллар энг юқори балл билан баҳоланган бўлиб, импорт ҳажмининг ўсиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобат даражасини кескин кучайтиради. Шу билан бирга, экспорт имкониятларининг кенгайиши корхоналарнинг валюта тушумларини кўпайтириб, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Ижтимоий омиллар эса истеъмолчи эҳтиёжи ва маҳсулот турларига боғлиқ ҳолда муҳим аҳамиятга эга. Импорт орқали янги дизайн ва трендларнинг кириб келиши ички бозорда талабнинг ўзгаришига олиб келади, экспорт эса маҳаллий брендларга бўлган ишончни оширишга хизмат қилади.

Технологик омиллар ҳам юқори таъсирга эга. Импорт орқали янги технологиялар ва инновациялар кириб келиши маҳаллий ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш имконини яратади. Экспорт эса корхоналардан халқаро стандартларга мос ишлаб чиқаришни талаб қилади ва бу уларнинг технологик салоҳиятини оширишга туртки беради. Ҳуқуқий омиллар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, экспорт жараёнларида халқаро сертификатлаш тизимларига мослашиш ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш зарурати юзага келади. Бу талаблар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳуқуқий ва меъёрий асосларни мустаҳкамлашга ундайди.

1-жадвал.

Ўйинчоқлар экспорти ва импорти таъсирининг PESTLE таҳлили

Омил	Таъсир йўналиши	Ташкилий-иқтисодий механизмга таъсири	Баҳолаш (1-5)
Р – Сиёсий	Давлатнинг ташқи савдо сиёсати, божхона қоидалари	Импорт чекловлари ва экспортни қўллаб-қувватлаш корхоналарни лицензиялаш, сертификатлаш ва ҳуқуқий тизимни кучайтиришга мажбур қилади	4
Е – Иқтисодий	Импорт ҳажми ва экспорт имкониятлари	Импорт маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобатни кучайтиради, экспорт эса валюта тушумлари ва молиявий барқарорликни таъминлайди	5
S – Ижтимоий	Маҳсулот турлари ва истеъмолчи эҳтиёжи	Импорт орқали янги дизайн ва трендлар келиб, ички бозорда талабни ўзгартиради; экспорт эса маҳаллий брендларга ишончни оширади	3
Т – Технологик	Янги технологияларни кириб келиши	Импорт орқали янги технологиялар ва инновациялар кириб келади, экспорт эса халқаро стандартларга мос ишлаб чиқаришни талаб қилади	4
L – Ҳуқуқий	Халқаро стандартлар ва лицензия талаблари	Экспорт учун халқаро сертификатлаш тизимларига мослашиш ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш зарурати	4
Е – Экологик	Халқаро экологик талаблар	Экспорт бозорига чиқиш учун экологик стандартларга жавоб бериш ва маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш зарурати	3

Манба: муаллиф томонидан мавжуд миллий ва халқаро адабиётлар, эксперт хулосалари ҳамда соҳадаги амалиёт таҳлили асосида шакллантирилди.

Экологик омиллар ҳам эътибордан четда қолмайди. Халқаро бозорга чиқиш учун экологик стандартларга жавоб бериш, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланиш талабларига риоя қилиш зарур бўлади. Бу эса ишлаб чиқарувчилардан атроф-муҳитга таъсирни камайтириш ва экологик хавфсизлик чораларини кучайтиришни талаб қилади.

Шу тариқа, таҳлил шуни кўрсатадики, иқтисодий ва технологик омиллар юқори даражада таъсир кўрсатса, ижтимоий ва экологик омиллар ҳам корхоналарнинг стратегик ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

PESTLE таҳлил асосида ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигини баҳолаш модели ташқи муҳит омилларини комплекс тарзда кўриб чиқиш имконини беради. Унда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, ҳуқуқий ва экологик омиллар муайян йўналишларда таъсир кўрсатади. Масалан, давлатнинг ташқи савдо сиёсати ва божхона қоидалари импортни чеклаш ҳамда экспортни қўллаб-қувватлаш орқали корхоналарни лицензиялаш ва сертификатлаш жараёнларига мослашишга мажбур қилади. Иқтисодий ҳолатда эса импорт маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобат даражасини кучайтиради, экспорт эса валюта тушумлари ва молиявий барқарорликни таъминлайди. Ижтимоий жиҳатдан импорт янги дизайн ва трендларни олиб кириб, ички бозорда талаб ўзгаришига сабаб бўлади, экспорт эса маҳаллий брендларга ишончни оширади. Технологик жиҳатдан импорт орқали янги технологиялар кириб келса, экспорт халқаро стандартларга мос ишлаб чиқаришни талаб қилади. Ҳуқуқий йўналишда халқаро стандартларга мос сертификатлаш ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш зарурати вужудга келади. Экологик йўналишда эса халқаро экологик талабларга жавоб бериш ва маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа сифатида кўрилади.

Моделнинг асосий вазифаси ҳар бир омилнинг таъсирини муайян балл тизими орқали баҳолаш ва уларнинг салмоқли коэффицентлари асосида интеграл самарадорлик индексини ҳисоблашдан иборат. Бу индекс PESTLE омилларининг умумий таъсирини ифода этиб, корхона фаолияти учун қайси йўналишда ислоҳот ва стратегия зарурлигини кўрсатиб беради. Шу йўсинда модел ташқи муҳит таҳдид ва имкониятларини чуқур таҳлил қилишга ёрдам беради, корхоналар учун стратегик қарор қабул қилиш жараёнида йўналиш белгилаш имкониятини яратади ҳамда экспорт-импорт сиёсатининг миллий ишлаб чиқаришга таъсирини баҳолашда қўлланилади.

Математик ифодада бу қуйидагича акс эттирилади: ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигининг интеграл индекси (ISEM) ҳар бир омилнинг салмоқ коэффиценти ва баҳолаш кўрсаткичи кўпаймасининг йиғиндиси орқали аниқланади. Буни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$ISEM = W_p \cdot B_p + W_e \cdot B_e + W_s \cdot B_s + W_t \cdot B_t + W_l \cdot B_l + W_{ec} \cdot B_{ec}$$

Бу ерда W_p , W_e , W_s , W_t , W_l , W_{ec} – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, ҳуқуқий ва экологик омилларнинг аҳамият даражасини кўрсатувчи салмоқ коэффицентлари; B_p , B_e , B_s , B_t , B_l , B_{ec} эса тегишли омиллар учун баҳолаш кўрсаткичлари (1–5 шкала бўйича) ҳисобланади.

Шу тариқа, модел нафақат ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш, балки уларнинг интеграл таъсирини баҳолаш ва амалда стратегик қарор қабул қилишда йўналиш белгилаш учун хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

“Болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришда ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигига экспорт ва импортнинг таъсири” – доирасида ўтказилган PESTLE таҳлил шуни кўрсатдики, ташқи муҳит омиллари корхоналар фаолиятини белгилаб берувчи асосий драйверлардан ҳисобланади. Сиёсий омиллар орқали божхона ва ташқи савдо сиёсатининг таъсири сезиларли бўлиб, импорт чекловлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳуқуқий тизимга қатъий риоя қилиш ва сертификатлаш жараёнларини кучайтиришга йўналтиради. Иқтисодий омиллар эса энг юқори аҳамиятга эга бўлиб, импорт ҳажмининг кўпайиши рақобат муҳитини кучайтирса, экспорт имкониятлари валюта тушумлари ва молиявий барқарорликни таъминлайди. Ижтимоий жиҳатдан импорт орқали янги дизайн ва трендларнинг кириб келиши ички бозорда талабни ўзгартиради, экспорт эса маҳаллий брендларга ишончни ошириб, уларнинг обрўсини

мустаҳкамлайди. Технологик омиллар янги технологияларни жорий қилиш ва халқаро стандартларга мос ишлаб чиқаришни талаб қилиши билан корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширади. Шунингдек, ҳуқуқий ва экологик омиллар экспорт жараёнларида халқаро сертификатлаш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва экологик хавфсизлик стандартларига амал қилиш заруратини юзага келтиради.

Формулаштирилган интеграл индекс модели орқали ($ISEM = \sum W_i \cdot B_i$) ҳар бир омилнинг таъсир даражаси ва аҳамият коэффициенти ҳисобга олиниб, ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигининг умумий кўрсаткичи аниқланади. Ушбу ёндашув соҳадаги экспорт-импорт жараёнларининг комплекс таъсирини баҳолаш имконини бериб, қайси йўналишда ислоҳот ва қўллаб-қувватлаш чоралари зарурлигини кўрсатиб беради.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, экспорт ва импорт жараёнлари болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш соҳасида ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигига кучли таъсир кўрсатади. Экспорт имкониятлари корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва халқаро бозордаги мавқеини мустаҳкамласа, импорт рақобат муҳитини кучайтириб, янги технология ва дизайнларни кириб келишини таъминлайди. Бундай шароитда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг асосий вазифаси – ҳуқуқий, технологик ва экологик стандартларга мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инновацион ечимлар ва самарали бошқарув механизмлари орқали рақобатбардошликни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланишга эришишдан иборатдир.

Амалий таклифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аввало давлат даражасида болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар учун сертификатлаш ва лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш ҳамда молиявий имтиёзлар бериш зарур. Бунда, айниқса, экспорт бозорларига чиқишда халқаро стандартларга мос сертификат тизимларини жорий этишда техник ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш самарали натижа беради. Шу билан бирга, импорт жараёнларини тартибга солишда миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилувчи механизмлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий йўналишда корхоналар ўз харажатларини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш ва рақобат устунлигини таъминлаш учун инновацион технологиялардан кенг фойдаланишлари лозим. Бу жараёнда импорт орқали кириб келаётган янги технология ва материалларни ўзлаштириш миллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот сифатини ошириши мумкин. Шунингдек, маҳаллий брендларни тарғиб қилиш, маркетинг ва дистрибуция каналларини такомиллаштириш орқали ички бозорда талабни қондириш ҳамда истеъмолчиларда ишонч уйғотиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий ва экологик йўналишларда эса маҳсулот хавфсизлиги ва экологик стандартларга риоя қилиш устувор вазифа ҳисобланади. Экологик талабларга мос ишлаб чиқариш жараёнларини йўлга қўйиш, қайта тикланадиган ресурслардан фойдаланиш ва барқарор ривожланиш стратегиясини амалга ошириш орқали миллий ишлаб чиқарувчилар халқаро бозорда рақобатдошликка эришиши мумкин. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион дизайн ва таълимий функцияга эга маҳсулотларни жорий қилиш орқали ижтимоий талабни қондириш самарали натижа беради.

Адабиётлар / Literature/References:

OECD (2020) *SME and Entrepreneurship Outlook 2020*. Paris: OECD Publishing, 180 p.

UNCTAD (2022) *Trade and Development Report 2022*. New York, Geneva: United Nations, 220 p.

World Trade Organization (2022) World Trade Report 2022: Climate Change and International Trade. Geneva: WTO Publications, 180 p.

Жўраев, Д. (2022) 'Кичик бизнестда ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш', *Илмий ахборотлар*, (2), Б. 87–94. Самарқанд.

Каримов, Ш. (2021) 'Ташқи иқтисодий омиллар ва уларнинг миллий ишлаб чиқаришга таъсири', *Ўзбекистон иқтисодиёти журналы*, (5), Б. 41–49. Тошкент.

Котлер, Ф. & Келлер, К. (2017) *Маркетинг менеджмент*. 15-е изд. Москва: Вильямс, 816 с.

Кругман, П. (2004) *Международная экономика: теория и политика*. Санкт-Петербург: Питер, 512 с.

Портер, М. (1998) *Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость*. Москва: Альпина Паблишер, 715 с.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2024) *Ўзбекистон ташқи савдо статистикаси 2023*. Тошкент: Давлат статистика қўмитаси.

Ҳамидов, Н. (2019) 'Экспорт салоҳияти ва кичик бизнес ривожланиши', *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, (3), Б. 55–62. Тошкент.